



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI JARQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Jarqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston ko‘chasi 13-uy. 190600, tel.: (+99876)432-10-94. jarqurgon.t@exat.uz, www.jarqorgon.uz

2021-yil “ 8 ” fevral “ 5-103 ”-son

Jarqo‘rg‘on t.

Туман худудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларини 2021 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги низом ижросини таъминлаш ҳамда 2021 йилда туман худудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни мажбурий техник кўриқдан ўтказишни уюшқоқлик билан, сифатли ташкил этилишини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1.Тумандаги барча юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши таъминлансин.

2.Тумандаги автобуслар, микроавтобуслар, автомобиллар, мотоцикллар ва тиркамаларни (кейинги ўринда Транспорт воситалари деб юритилади) давлат техник кўригидан ўтказиш туман ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (И.Хуррамов) зиммасига юклатилсин.

3.Техник кўриқдан ўтказишда диагностика станциялари, хусусий техник хизмат кўрсатиш станцияларининг созлиги ҳамда харкатланувчи

таъмирлаш ва тузатиш устахоналарининг белгиланган тартибда жихозланганлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

4. 2021 йил давомида техник кўрикни уюшқоқлик билан, сифатли ўтказиш мақсадида, туман комиссияси тузилсин.

Комиссия аъзоларининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2021 йил давомида тумандаги юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман ИИБ ЙҲХГ (И.Хуррамов)га:

юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш жадвалини тумандаги барча корхона, муассаса ва ташкилотларга етказиш ҳамда ўз вақтида бажарилиши таъминлаш;

хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари (ТХС) ва тадбиркорлик субъектлари (Субъектлар) томонидан транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг мувофиқлигини баҳолаш белгиланган талаблар ва қатъий белгиланган нархлар асосида амалга оширилишини қатъий назоратга олиш юклатилсин.

7.Тумандаги ҳар бир ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари ҳамда шахсий автомашина эгаларига автотранспорт воситаларининг доимий равишда техник жиҳатдан созлигини таъминлаш ва ўз вақтида техник кўриқдан ўтказиш тавсия этилсин.

8.Туман ҳокимлиги матбуот хизмати (С.Маматмурадов) мазкур қарорни ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши ҳамда “Жарқўрғон” газетасида расман эълон қилинишини таъминласин.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ж.Шапўлатов зиммасига юклатилсин.

10 Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

Туман ҳокими
ўринбосари



Ж.Шапўлатов